

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**“МЕХНАТ ВА ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ”  
КАФЕДРАСИ**

**ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ**

мавзусида ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Бажарди:** 4-курс “Халқаро- ҳуқуқий  
фаолият” йўналиши талабаси Исамова  
Сурайё Абдурахим қизи

**Илмий раҳбар:** “Меҳнат ва ижтимоий  
таъминот ҳуқуқи” кафедраси катта  
ўқитувчиси Саримсакова Гулнар  
Кадировна

**Тошкент-2016**

## Мундарижа

Кириш.....3

### I БОБ. МЕҲНАТНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

1.1. Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган манбалар  
tizими.....9

1.2. Меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси ва уларнинг  
аҳамияти.....22

### II БОБ. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

2.1. Иш вақти соҳасидаги халқаро меҳнат стандартлари.....38

2.2. Дам олиш вақти соҳасидаги халқаро меҳнат  
стандартлари.....44

2.3. Иш вақти ва дам олиш вақтига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка  
имплементация қилиш масалалари.....50

Хулоса.....56

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....59

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси демократик ва дунёвий давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига тобора интеграциялашиб бормоқда ва бунда халқаро ҳуқуқ соҳасида умум эътироф этилган норма ва принципларни миллий қонунчилик тизимида кенг жорий этилиши, уларни жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш тенденцияси жадаллашувини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мос тарзда мустаҳкамлаб қўйилган. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Конституциямиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик пойдеворига айланди”<sup>1</sup>.

Универсал хусусиятга эга бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш ишлари жадаллаштирилар экан, энг аввало, мамлакатимизни мустақил давлат, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, унинг демократик, инсонпарвар мамлакат сифатидаги обрў-эътиборини ошириш кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида”ги Фармонида қайд этилганидек: “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь. №236(6419).

<sup>2</sup> <http://www.press-servise.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати)

Бугунги кунда халқаро стандартлар ва илғор мамлакатларнинг меҳнат қонунчилиги ютуқларини ўрганиш ва улар асосида миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш чоғида миллий-тарихий анъана ва қадриятларимиз билан бир қаторда жаҳон тажрибасидан ҳам унумли фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган универсал халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 24-моддасига кўра “Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан, иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга” эканлиги мустаҳкамланган”.

БМТнинг 1966 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактининг 7-моддасида ҳам кишиларнинг “Дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ тўланадиган дам олиш ҳуқуқига” эга эканликлари белгиланган<sup>1</sup>.

Меҳнат муносабатларида халқаро стандартларни яратиш ва жаҳон миқёсида уларнинг қарор топишини таъминлаш вазифаси БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомига эга бўлган нуфузли халқаро ташкилот - Халқаро Меҳнат Ташкилоти зиммасига юклатилган бўлиб, у деярли бир асрдан буён ушбу соҳада самарали фаолият юритиб келмоқда. Шу давр давомида ушбу халқаро ташкилот томонидан меҳнат ва ижтимоий таъминот масалаларига доир 4 та декларация, 188 та Конвенция ва 199 та Тавсиялари қабул қилинган<sup>2</sup>. Ушбу Конвенцияларнинг аксарияти жаҳон мамлакатлари томонидан кенг эътироф қилинган ҳамда улар миллий меҳнат қонунчилиги тизимларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида катта ўрин эгаллайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг биргина иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида 25 та (16+9) конвенцияси мавжудлигига қарамадан Ўзбекистон Республикаси 2016 йилга қадар ХМТнинг 13 та Конвенцияси ратификация қилинган. Айтиш мумкинки, ХМТ меҳнат соҳасида асосий ва ягона халқаро стандартларни қабул қилувчи ихтисослашган ташкилот бўлиб, ўз ичига 183 давлатни бирлаштирган. Шунга қарамадан мамлакатимизда ушбу ташкилот томонидан қабул қилинган конвенцияларни миллий

---

<sup>1</sup>Инсон ҳуқуқлари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Масъул мух.Х.Б.Бобоев, И.Р.Рамазонов. – Т: Ўзбекистон, 1997. –Б.188.

<sup>2</sup>Лютов Н.Л., Морозов П.Е.Международное трудовое право. –М.: Проспект, 2011. –С.4.

меҳнат қонунчилигимизга имплементация қилиш ишлари нисбатан суст амалга оширилмоқда.

Бугун дунёда иш вақтини қисқартириш ва унинг ҳисобига иш ўринларини оширишга қаратилган тенденциялар кузатилмоқда. Айрим давлатлар иш вақтини қисқартириш бўйича қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Глобаллашув шароитида иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар биринчи навбатда халқаро стандартларда ўз аксини топиши боис уларни миллий қонунчиликда акс эттириш масаласи долзарб бўлиб қолаверади.

Бундан ташқари мамлакатимизда хусусий мулкнинг ўрни тобора ошиб, унинг асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланиб бормоқда. Хусусий секторда банд бўлган аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини, айниқса, чекланган иш вақтида ишлаш ва дам олишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов қайд этганларидек, “Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами sanoat маҳсулотларининг учдан бир қисми, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан”<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, аҳолининг катта қисми хусусий секторда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Ушбу секторда ёлланиб ишловчи ходимларнинг иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эса бир мунча мураккаблик туғдиради. Шу ва юқорида таъкидланган бошқа асосий муаммоларнинг мавжудлиги диссертация ишининг долзарблиги белгилаб беради.

**Тадқиқот объектини** меҳнат жараёнида иш вақти ва дам олиш вақтидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда иш берувчи, ходимлар ва меҳнат қонунчилигига риоя

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи газетасининг 2016 йил 17 январь сони.

қилиш устидан назорат олиб боровчи субъектлар ўртасида вужудга келадиган меҳнат ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқот предметини** меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқ манбалари, иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги халқаро стандартлар ҳамда уларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир илмий-назарий ва илмий-амалий муаммолар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг мақсади** иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги халқаро ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида мазкур соҳага оид миллий меҳнат қонунчилигини нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинган:

- меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ манбалари тушунчаси ва уларнинг тизимини кўриб чиқиш;

- меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган халқаро меҳнат стандартлари ва уларнинг аҳамиятни кўрсатиб бериш;

- инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда иш вақти ва дам олиш вақтига доир нормаларни таҳлил қилиш;

- иш вақти ва дам олиш соҳасидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳужжатларини ўрганиш;

- иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги халқаро ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш имкониятларини кўриб чиқиш асосида уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Тадқиқот давомида бир қатор назарий тушунча ва таърифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Хусусан, “таътил олишга бўлган ҳуқуқ”, “таътилдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ” тушунчалари ва улар ўртасидаги фарқлар, шунингдек, иш вақтини нормалаш, иш вақтини ҳисобга олиш, “ижтимоий маркировка” тушунчалари шулар жумласидандир.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги мутахассислар томонидан иш вақти ва дам олиш вақти билан боғлиқ махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Мазкур мавзуга оид маълумотлар асосан ўқув адабиётлари яратиш доирасида ёритилган. Хусусан, А.А.Иноятов, М.Ю.Гасанов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, Г.К.Саримсақовалар томонидан яратилган ўқув ва ўқув-

услубий адабиётларни мисол қилиб келтириш мумкин<sup>1</sup>. Шу ўринда сўнгги йилларда меҳнат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш магистрлик диссертациялари даражасида олиб борилмоқда. Хусусан, иш вақти ва дам олиш вақти ёки унинг айрим жиҳатларини ёритишга қаратилган тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини таъкидлаш ўринлидир<sup>2</sup>.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг ҳам умумий, ҳам махсус методлари қўлланилган. Буларга тарихийлик, тизимлилик, диалектик, статистик, аксиологик, қиёсий-ҳуқуқий, формал юридик, моделлаштириш ва башоратлаш, мантиқийлик, умумлаштириш, синтез ва анализ қилиш, тизимли ёндошув, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни қўллашни илмий таҳлил этишлар киради.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида эришилган илмий-назарий хулосалар, берилган таклиф ва тавсиялар келгусида ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, меҳнат ҳуқуқи фани назариясини бойитишда, иш берувчиларнинг иш вақтидан ҳамда ходимларнинг дам олиш вақтидан унумли фойдаланиш механизмларини яратишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг тузилиши ва таркиби.** Битирув малакавий иши диссертацияси кириш, беш параграфни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I БОБ. МЕҲНАТНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган манбалар тизими**

Бугун Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда дунё давлатлари билан ўзаро мустақкам алоқаларни йўлга қўймоқда ва уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш изчил равишда давом эттирилмоқда.

---

<sup>1</sup>Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти, 2002; Гасанов М., Саримсакова Г. Иш вақти ва дам олиш вақтини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш. –Т.: ТДЮУ, 2014; Усманова М.А., Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Илм-зиё, 2006.; Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Тошкент: Молия, 2000; Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Турон иқбол, 2013.

<sup>2</sup>Аминжонов С.Ю. Йиллик меҳнат таътили ва қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари. Маг.дар.олиш учун ...дисс.–Т.: ТДЮИ, 2009.

Ўзбекистон Республикасида турли соҳаларда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси, уларни турли белгиларига қараб классификация қилиш, халқаро шартномаларни тузиш ва уларни бекор қилиш масалаларини ҳуқуқий асослари яратилган ҳамда мазкур соҳада бир қанча махсус тадқиқот ишлари бажарилган. Мазкур соҳада бажарилган ишлар асосан халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли бўлиб, бевосита меҳнат ҳуқуқида халқаро даражадаги ҳуқуқ манбалари ва уларни меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларига алоҳида тадқиқот ишлари бағишланмаган.

Халқаро манбалар орасида “юмшоқ ҳуқуқ” деб номланувчи манбалар алоҳида ўрин эгаллаб, улар давлатлар учун мажбурий юридик кучга эга бўлмайди, бироқ ички давлат сиёсатини ўтказишда асосий мўлжал, маёқ сифатида хизмат қилади. Бундай ҳужжатларга ХМТнинг декларация ва тавсиялари, Европа Кенгашининг хартиялари, МДҲ модель қонунчилиги кабилар киради.

Халқаро меҳнат ҳуқуқида ҳуқуқнинг халқаро манбаларини иерархик жиҳатдан таснифлаш бўйича мунозаралар давом этмоқда. Бу энг аввало БМТ, ХМТ ва регионал халқаро ҳужжатларни ўзаро нисбати ҳақида боради. Расмий жиҳатдан мазкур ҳужжатларни юридик кучи бўйича фарқлаш мавжуд эмас. Амалиётда мазкур масала бўйича коллизиялар “*lex specialis derogat legi generali*”, яъни “махсус ҳужжат бошқа умумийларга қараганда устувор қўлланилади” деган қоида билан ҳал этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” махсус Қонуни қабул қилинган<sup>2</sup>. Ушбу Қонунга мувофиқ, халқаро шартнома - республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир.

Шунингдек, турли адабиётларда халқаро шартнома тушунчасига турли таърифлар берилган бўлиб, уларни ўрганиш меҳнат муносабатларига оид халқаро шартномалар тушунчасини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро шартнома – бу давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги маълум бир масалаларни тартибга солиш мақсадида ўзаро келишув тартибида ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup>Лютов Н.Л., Морозов П.Е.Международное трудовое право. Учебное пособие.-М.: Проспект, 2011.-С.26.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 12, 262-модда.

<sup>3</sup> Юридик энциклопедия. проф.У.Таджихановнинг ум.таҳр.-Т.: “Шарк”, 2001. 515 б.

Халқаро шартнома – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда ифодаланганидан ҳамда унинг аниқ номидан қатъи назар ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос олим У.Тожихоновнинг фикрича халқаро шартнома – оғзаки тарзда тузилган бошқа битимлардан, яъни жентльменлик битимлари(маълум матндан иборат, бироқ халқаро шартноманинг бошқа атрибутларини, хусусан унга юридик куч берувчи, кучга кириш шарт-шароитларини ва ҳаракат муддатини белгиловчи қоидаларни ўзида ифодаламаган оғзаки битим)дан фарқли ўлароқ давлатлар ўртасида тузилган ёзма битимдир.<sup>2</sup>

Халқаро шартномалар тушунчаси ва уларнинг таснифланишига мутахассислар Г.А.Маткаримова, Г.Юлдашевлар анча батафсил тўхталиб ўтишган. Жумладан, Г.А.Маткаримованинг қайд этишича, халқаро шартнома – бу давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги маълум бир масалаларни тартибга солиш мақсадида ўзаро келишув тартибида ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.<sup>3</sup>

Халқаро шартномалар тушунчаси ва уларнинг таснифланишига мутахассислар Г.А.Маткаримова, Г.Юлдашевлар анча батафсил тўхталиб ўтишган. Жумладан, Г.А.Маткаримованинг қайд этишича, халқаро шартнома – бу давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги маълум бир масалаларни тартибга солиш мақсадида ўзаро келишув тартибида ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади<sup>4</sup>.

Юқоридаги халқаро шартномаларга берилган таърифлардан келиб чиқиб, меҳнат муносабатларига оид халқаро шартномага қуйидагича таъриф бериш таклиф этилади: “меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартнома – муайян давлат ва ундан ташқарида меҳнат соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда ифодалайдиган ҳамда ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади”.

1995 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция,

<sup>1</sup> Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. //Х.Р.Раҳмонқулов ва бошқ./Х.Б.Бобоев, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов, А.Р.Раҳмановларнинг умумий таҳрири остида. –Т.: “Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002 йил, 448 бет.

<sup>2</sup> Халқаро ҳуқуқ. Дарслик./Масъул муҳаррир: У.Тожихонов. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашр, 2001. 320 б.

<sup>3</sup> Юлдашева Г. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2006 й. 221 б.

<sup>4</sup>Юлдашева Г. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т.: ТДЮУ, 2014. 221-б.

протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек бошқача номланиши ҳам мумкин.

Меҳнат муносабатларига оид халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлади. Бундай шартномалар мазмунига қараб асосан меҳнат қилиш ҳуқуқни амалга оширувчи, ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, меҳнат муҳофазасини таъминловчи, меҳнатга бўлган ҳуқуқдан ғайриқонуний равишда маҳрум қилишни тақиқловчи, айрим тоифадаги ходимларни ҳимоя қилувчи, меҳнат ҳуқуқларини суд ва бошқа органлар орқали ҳимоя қилувчи ва меҳнат муносабатларининг бошқа институтларига тааллуқли нормаларига қараб таснифланиши мумкин.

Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномаларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномалар давлатлар ёки бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузилади.

2. Бундай шартномалар миллий ва халқаро миқёсда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

3. Бундай шартномаларда инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ва бошқа ҳуқуқларини давлатларо тан олишга қаратилган нормалар ифодаланган бўлади.

4. Бундай шартномалар ёзма шаклда тузилади.

Халқаро шартномада кўрсатилган мақсадларга эришиш халқаро шартномадан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади.

Халқаро шартнома тарафлари сифатида халқаро шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлар ёки халқаро ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Халқаро шартномаларда тарафлар сифатида “музокараларда иштирок этаётган давлат”, “музокораларда иштирок этаётган ташкилотлар”, “шартлашаётган давлатлар” “шартлашаётган ташкилотлар”, “иштирокчилар” ва “учинчи шахслар” тушунчалари мавжуд.

Халқаро шартномаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: иштирокчилар дорасига кўра икки томонлама ва кўп томонлама.

Икки томонлама шартномаларда асосан иккита халқаро ҳуқуқ субъекти иштирок этади. Икки томонлама шартномаларга мисол сифатида бир томондан бир давлат иккинчи томон сифатида эса бир ёки бир нечта давлат иштирок этиши мумкин.

Кўп томонлама шартномаларга мисол тариқасида чекланмаган миқдорда халқаро ҳуқуқ субъектлари иштирок этиши белгиланган ёки маълум бир чегаралар асосида иккитадан ортиқ халқаро ҳуқуқнинг субъектни алоҳида иштирок этишини белгиловчи шартномаларни киритиш мумкин.

1995 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонунида ҳам халқаро шартномалар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлиниши белгиланган. Халқаро шартномалар мазмунига қараб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро шартномаларни ҳам худди шундай таснифлаш мумкин.

Шартномалар ёзма ва оғзаки (“жентельменлик келишуви”) шаклда имзоланиши мумкин. Оғзаки шартномаларни имзоланиши жуда кам учрайдиган ҳолат, шунинг учун шартноманинг ёзма шакли кўп тарқалган бўлиб, бундай шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ расмийлаштирилган бўлади.

Халқаро шартномалар кўп ҳолларда илова тариқасида протокол, қўшимча протокол, қоидалар мавжуд бўлади. Агар шартнома матнида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган бўлса, иловалар шартноманинг узвий таркибий қисмига киритилиши мумкин.

Шартноманинг қандай номдалиги аҳамиятга эга эмас, чунки халқаро шартнома тузилган келишув ҳисобланиб, у ўз аъзолари учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳати – кўп томонлама шартномаларнинг сони ва ролининг ортишидир. Фақатгина МДХ давлатлари доирасининг ўзида 200 дан ортиқ шундай шартномалар тузилган. БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, универсал конвенциялар, халқаро шартномалар ичида асосийлари ҳисобланади. Халқаро шартномалар тўғрисидаги қоидалар 1969 йилги Вена конвенциясида ўз аксини топган.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бугун жаҳон миқёсида долзарб аҳамият касб этган бўлиб, бунда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципининг қабул қилиниши ижобий натижаларни берди. Ушбу принцип БМТ Уставида умумий тарзда ўз аксини топган бўлса-да, инсоннинг асосий ҳуқуқлари олий неъмат эканлиги, инсоннинг ор-номуси, шаъни ва қадр-қиммати, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги, катта ва кичик миллатларнинг ҳуқуқлари тенглигини ўзида ифодалади. Инсон

ҳуқуқларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда, шунингдек, ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча учун асосий эркинликларни кафолатлашда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Айнан мана шу асосларда 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Ўз навбатида, бунинг натижасида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича иккита халқаро шартнома қабул қилинган. Булар 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт. Юқоридаги учта шартнома “Инсон ҳуқуқлари бўйича билл”ни ташкил этади. Умуман олганда, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан қабул қилинган конвенцияларда ривожлантирилади.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилиниши билан инсоннинг умумий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асоси яратилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қуйидагиларни мустаҳкамлади:

- барча инсонларнинг тенглиги – инсонлар туғилганда эркин ва тенг ҳуқуқли бўлади;
- инсоннинг ирки, жинси, танасининг ранги, тили, дини ва бошқа белгилар бўйича камситишларга йўл қўйилмаслиги;
- ҳар бир инсоннинг яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
- фуқароликка бўлган ҳуқуқ;
- мулкка эгалик ҳуқуқи;
- виждон эркинлиги;
- меҳнат ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари.

Инсон ҳуқуқларини таминлашда ҳуқуқлар тўғрисидаги икки пакт: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳам марказий ўринни эгаллайди.

Пактда инсоннинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари рўхати келтирилган бўлиб, давлат улардан ҳеч қандай вазиятда четга чиқа олмайди.

МДХ доирасида 1995 йили Ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда инсоннинг асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган. Ушбу конвенциянинг мақсади МДХ аъзолари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга риоя этиш ҳисобланади.

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида инсон ҳуқуқлари ва хусусан меҳнат миграциясига инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёндошиб, инсон томонидан, ўз эркига кўра энг мақбул иқтисодий, ижтимоий ва оилавий ишлаш шароитини танлаш ҳуқуқи борлиги тан олинган. Ушбу масалага доир 1989 йилги Венада бўлиб ўтган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кенгашида Яқунловчи ҳужжат қабул қилинди. Унинг қисмларидан бирида ҳар бир инсонни истаган мамлакатни, шунингдек, ўз давлатини ҳам ташлаб чиқиб кетиши ва қайтиб келиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши кўрсатилган.

Инсон ҳуқуқлари ва хусусан, меҳнат муносабатлари, энг аввало, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизимига боғлиқдир.

Халқаро таснифда ўрнатилишича, инсонларнинг меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қуйидагилар киради:

- меҳнат ва тўлиқ иш билан бандликнинг таъминланиш ҳуқуқи;
- мажбурий меҳнатдан ҳоли бўлиш;
- меҳнатга бўлган ҳуқуқ муносабатларида ҳар қандай камситилишлардан ҳоли бўлиш ва ҳ.к.

Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим аҳамиятли халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган. Меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ юқорида айтиб ўтилган Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясида ва Халқаро Пактда кўрсатиб ўтилган. Пактда иштирок этувчи давлатлар "Ҳар бир инсоннинг ўзи эркин танлаган ёки иқтисодий рози бўлган меҳнати билан ўз ҳаётини таъминлаш ҳуқуқини ўз ичига олувчи меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқ ва ушбу ҳуқуқни таъминлашга қаратилган ишларни амалга оширишларини тан оладилар". XX асрнинг ютуғи эркак ва аёлларнинг меҳнат билан банд бўлиш соҳасидаги тенглик тамойилига асосланганини тан олишимиз керак, лекин амалиётда айрим мамлакатларда ушбу ютуқ мунозарали мавзу бўлиб келмоқда.

Халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятида асосий меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш муаммоси алоҳида ўрин касб этади. Бу тоифадаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бўлган катта эътибор жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи билан узлуксиз боғлиқ бўлган, жамиятнинг меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги фуқароларнинг мақоми билан изоҳланади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида сермахсул ҳамкорлик қилиниши давлат мустақиллиги, давлат манфаатлари, халқ эрки-иродасига асосланувчи миллий қонунчилик билан

умуминсоний, глобал манфаатларга таянувчи халқаро қонунчилик ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаб олиниши лозимлигини, ушбу икки тизим ўзаро муносабатлари принциплари аниқланишини тақозо этади. Бунда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари таъминланишида нафақат муайян мамлакатнинг ички шарт-шароитлари, балки ташқи омиллар, энг аввало тинчлик ва хавфсизликни таъминланиши, ижтимоий тараққётни давом этиши кабилар ҳам касб этиши ҳисобга олинмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикасида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этилиши миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий актлар талабларига мувофиқлаштирилиши лозимлигини тақозо қилмоқда. Бундай мувофиқлаштиришнинг биринчи босқичи 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилиниши билан яқунланган бўлиб, Конституцияда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида умум эътироф этган халқаро ҳуқуқий қоидаларни ва қадриятларни сўзсиз тан олиниши, шунга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқларини таъмин этишини бутун жаҳонга эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эга эканлиги, иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур конституциявий нормага асосан ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар учун дам олиш ва чекланган иш вақтида ишлаш ҳуқуқи кафолатланган. Дам олиш ҳуқуқи ва меҳнат таътилига бўлган ҳуқуқнинг Конституцияда белгиланиши унинг аҳамияти қанча юқори эканлигини кўрсатади. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдеворини яратиб берди<sup>1</sup>.

Миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мувофиқлаштиришнинг иккинчи босқичи айрим тоифаларга оид қонунчилик нормаларини ушбу позициядан туриб қайта кўриб чиқишликни ўз ичига олди. Меҳнат ҳуқуқи соҳасида халқаро шартномалар ва конвенцияларни муҳим меҳнат ҳуқуқий актларда акс эттирилишида бу нарса кўзга аниқ ташланади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик янгилаш ва модернизация қилишига қаратилган тараққёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. “Халқ сўзи” газетасининг 2014 йил 6 декабрь сони.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро тизимларини юзага келганлиги юқоридагилар билан белгиланади. Принципиал жиҳатдан олганда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими уч функцияни бажаради, улар:

- 1) Шахснинг ижтимоий ҳимояланганлиги;
- 2) Шахснинг давлат ва жамият ишларида фаол қатнашишини таъминлаш;
- 3) Шахсий эркинликларни кафолатланиши.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадларидан бири - инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш ва уларга риоя қилишдан иборат. Шу мақсадда БМТ ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни ҳурматлаш принципи асосида амалга оширмоқда.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти асосан унинг халқаро-ҳуқуқий нормалар яратиш борасидаги ишларида ўз ифодасини топади. Ҳозирги кунда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 80 га яқин халқаро шартнома, конвенция, декларация ва пактлар қабул қилинган .

Инсон ҳуқуқлари соҳасида кўплаб универсал шартномалар қабул қилинган бўлинсада, уларнинг ичида инсон ҳуқуқларининг умумий масалаларини тартибга солувчи куйидаги энг муҳим ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш жоиз:

- 1948 йилдаги қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси;
- 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт;
- 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт;
- 1948 йилда қабул қилинган Геноцид жиноятларини олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги конвенция;
- 1951 йилда қабул қилинган қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция;
- 1965 йилдаги қабул қилинган Ирқий камситишнинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенция;
- 1979 йилда қабул қилинган Аёлларни камситишнинг барча шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги конвенция;
- 1984 йилда қабул қилинган қийноққа ва бошқа инсонийликка ёки кадр-қимматини камситувчи муамала ва жазо турларига конвенция;
- 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция .

БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти ушбу халқаро ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади. Шунингдек, БМТнинг асосий органлари Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) ҳамда Халқаро суд инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда мазкур халқаро ҳужжатларга таяниб иш кўради. Масалан, Бош Ассамблея инсон ҳуқуқлари соҳасида резолюциялар қабул қилиш орқали аъзо давлатлар эътиборини ушбу муаммоларга қаратади ва бу борада ҳамкорлик қилишга даъват қилади.

БМТ ташкил топиши ва унинг Уставини қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарди. БМТ Устави халқаро муносабаталар тарихида инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг халқаро ҳамкорликка асос солган биринчи универсал халқаро шартнома эди.

1945 йилда БМТ Уставини қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи сифатида ривожланди. Бирок, БМТ Уставида мазкур принцип аниқ кўрсатиб ўтилмаган эди. Шундай бўлсада инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи Уставнинг 1-моддаси моҳиятидан келиб чиқади.

Буларни амалга оширилишида меҳнат ҳуқуқи ва меҳнат қонунчилигига алоҳида муҳим аҳамият берилади.

Ўзбекистон республикасида Инсон ҳуқуқларини таъминланишида, айниқса меҳнат соҳасида умумдемократик, умуминсоний принципларни жорий этилишида БМТнинг универсал (умумий) ҳуқуқий ҳужжатларини, ХМТ нинг меҳнат ҳуқуқига оид конвенцияларини ратификация қилиниши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бунда энг аввало қуйидагилар эътиборга лойиқдир:

- 1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси** Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 30 сентябрдаёқ 366-ХП-сонли қарор билан ратификация қилинган ва миллий қонунчилигимиз тизимларини барпо этилиш принципи сифатида қабул қилинган. Миллий қонунчиликни кейинги шаклланиш ва ривожланиш жараёни ушбу ҳаёт-мамот акт асосида амалга оширилмоқда;
- 2. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция** 1992 йил 9 декабрда 757-ХП-сонли қарори билан ратификация қилинган ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя этилишида, хусусан болалар меҳнатидан фойдаланишликни таъқиқланишида катта аҳамиятга эга бўлди;
- 3. Янги Европанинг Париж Хартияси** Ўзбекистон томонидан 1993 йил 27 ноябрда Париж шаҳрида имзоланган ва инсон ҳуқуқлари, жумладан меҳнат ҳуқуқлари юзасидан халқаро андозаларни белгиланишида муҳим аҳамият касб этади;

**4. “Аёлларга нисбатан камситишни барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”**ги БМТ нинг 1979 йил 18 декабрдаги Конвенциясини Ўзбекистон томонидан 1995 йил 6 майда ратификацияланиши аёллар ҳуқуқларини таъминланишида катта аҳамиятга эга бўлди;

**5. БМТ нинг 1966 йил 16 декабрдаги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”**ги Халқаро Пактини Ўзбекистон томонидан 1995 йил 31 августда ратификация қилиниши билан универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистонда амал қила бошлади ва барча қонунчилик тизими, энг аввало меҳнат қонунчилиги унга тўла мослаштирилиши лозим бўлиб қолди;

**6. Фуқаролик процесси бўйича 1954 йилги Гаага Конвенциясини** Ўзбекистон томонидан 1995 йил 29 декабрда ратификация қилиниши билан ҳуқуқларини, шу жумладан меҳнат қилиш ҳуқуқларини фуқаролар ҳимоя қилишлик учун судга мурожаат қилишларида халқаро стандартларга мос келувчи қарорларга эга бўлиб қолдилар;

**7. БМТ нинг 1989 йил 10 ноябрдаги “Техник ва касбий таълим ҳақида”ги Конвенциясини** Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилиниши билан касбий таълим олиш соҳасида тенгсизлик учун ҳам замин қолдирилмади;

**8. БМТ нинг 1960 йил 15 декабрдаги “Таълим олиш соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини** 1997 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши билан таълим, шу жумладан касб ўрганишга оид таълим масаласидаги камситишларга йўл қўйилмаслиги белгиланди;

**9. “Диний ва эътиқодларга асосланувчи ҳар қандай тоқатсизлик ва камситишларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида”**ги БМТ нинг 1981 йил 25 ноябрдаги Декларацияси Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификацияланиши оқибатида диний ва эътиқодга оид қарашлар учун камситиш мумкин эмаслиги ҳақидаги халқаро қоидалар жорий қилинди.

## **1.2. Меҳнат соҳасидаги халқаро стандартлар тушунчаси ва уларнинг аҳамияти**

Халқаро меҳнат стандартлари – бу ёлланма меҳнатни қўллаш, унинг шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларнинг шахсий ва жамоавий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларнинг давлатлараро шартномалар ёрдамида тартибга солиш бўлиб, меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий натижасидир. БМТ, ХМТ, давлатлар ҳудудий бирлашмалари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳамда

уларнинг икки томонлама (баъзан уч томонлама) келишувларида мустаҳкамланган нормалари бундай тартибга солинишнинг расмий ифодаланиши ҳисобланади.

Халқаро меҳнат стандартлари – халқаро меҳнат ҳуқуқининг меъёрий субстанцияси, замон тараққиёти ютуқларидан бири, ижтимоий қадриятларнинг бозор иқтисодиётига олиб кирилиши бўйича давлатлар фаолияти натижаларида ифодаланган, уни ташкил этувчи давлатларга мақбул жаҳон ҳамжамиятининг умумий саъй-ҳаракатлари билан ижтимоий сиёсат воситаларининг ишлаб чиқилишидир.

Ушбу стандартларнинг мазмуни кўпгина давлатлар тажрибаларининг ифодаланиши, миллий меҳнат ҳуқуқи тизимининг қийматлироқ ва ҳар томонлама аҳамиятли нормалар ва асосларининг ҳосиласи, меҳнатни ҳуқуқий тартибга солувчи мавжуд тизимни ифодаловчи, юристлар иштирокида амалий қоидаларни яратиш, турли фикр ва ёндошувлар, ҳар хил сиёсий куч ва манфаатлар, ғоявий концепциялар тўқнашуви натижаси, халқаро ҳужжатларга айлантириладиган муросали юридик формулани топишни ўзида жамлаган.

Ишнинг моҳиятига кўра халқаро саъй-ҳаракатлар билан умумтараққиёт талабларига жавоб беришга интилаётган, исталган миллий меҳнат ҳуқуқи тизимини ижодий ўзлаштиришни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришнинг зарурий шарти ҳисобланган меҳнат бўйича намунавий актлар мажмуи яратилган. Ушбу актлар – синчиклаб ўрганиш, ўзлаштириш, ривожланган дунё эталонида ўзига хос халқаро Меҳнат кодекси сифатида тан олинган амалий фойдаланиш объектидир.

Юридик адабиётларда халқаро меҳнат стандарларнинг мазмунига кўра турлича тавсифланишлар келтирилади. Жумладан, О.В.Смирновнинг фикрича, қуйдагиларни ажратиш мумкин:

- меҳнат соҳасида инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган стандартлар;
- иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоялашга тааллуқли стандартлар;
- ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, шу жумладан иш вақти ва дам олиш вақти шароитларини ўрнатувчи стандартлар;
- меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича стандартлар;
- юқори ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ходимлар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) меҳнатига тааллуқли стандартлар;
- алоҳида тоифадаги ходимларнинг (кончилар, қишлоқ хўжалиги ишчилари, денгизчилар ва бошқалар) меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги стандартлар;

- ходимлар, иш берувчилар ва давлатлар ҳамкорлиги соҳасидаги меҳнат низоларини тинч йўл билан ҳал этиш стандартлари<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро меҳнат стандартлари ўзининг аҳамиятига кўра фарқланадилар. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу стандартларнинг баъзилари баъзиларига асос сифатида кўрилади. Ушбу стандартларнинг таҳлилига махсус адабиётларда катта эътибор қаратилади.<sup>2</sup>

БМТ томонидан қабул қилинган 1948 йилги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 1966 йилги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт, 1966 йилги “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактлар меҳнат соҳасига тегишли ва асосий жаҳон миқёсдаги халқаро ҳужжатлар ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамияти халқаро меҳнат стандартларини қабул қилар экан, умумий ва мустаҳкам тинчлик фақатгина ижтимоий адолат пойдеворида ўрнатилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Кўпчилик инсонлар учун адолатсизлик, муҳтожлик ва маҳрум бўлиш оқибатларини олиб келувчи меҳнат шароитларининг мавжуд бўлиши, бутун дунёда тинчлик ва тотувликка таҳдид солувчи норозиликларни келтириб чиқаради. Қайсидир давлатнинг инсоний меҳнат шароитларини яратиб бермаслиги, бошқа халқларнинг ўз давлатида меҳнат қилувчилар ҳолатини яхшилашни истовчиларга тўсик ҳисобланади. Қашшоқлик ҳар қандай жойда фаровон ҳаёт учун таҳдид ҳисобланади. Бутун дунёда меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат муносабатларини универсал халқаро ҳуқуқий тартибга солиш заруратини ва шу муносабат билан асосий тамойиллар ва нормаларнинг меҳнат соҳасида ўрнатилишини талаб қилди.<sup>3</sup>

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва эркин меҳнатнинг тан олинishi, қулчиликнинг, қул савдосининг тақиқланиши ва мажбурий меҳнатни тартибга солиш 20 аснинг биринчи ярмида меҳнат соҳасидаги асосий, сиёсий-ҳуқуқий масалалардан бири бўлди.

Биринчидан, ҳеч кимнинг қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмаслиги; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланиши кўрсатилади (“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси” 4-модда).

Иккинчидан, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитларига ҳамда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлиш кабилар асосий, устувор ҳуқуқлар сифатида мустаҳкамланади (“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 23-модда, 1-қисм).

<sup>1</sup> Трудовое право / Под ред. О.В.Смирнова. – М.: Проспект, 2008. С. 505.

<sup>2</sup> Трудовое право России / Под ред. Ю.П.Орловского и А.Ф. Нуритдиновой. – М.: МЦФЭР, 2004, С. 797.

<sup>3</sup> Крылов К.Д. Правовые приоритеты политики в сфере труда. Труд и право. – М.: Профиздат, 2003, С.8.

Учинчидан, меҳнат шароитлари моҳиятини очиб берувчи меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқлар қаторига, ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга, ҳар бир меҳнат қилувчи ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга, ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга (“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 23-модда, 2-4 қисмлар).

Бошқа устувор ҳуқуқлар қаторида Декларация ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди (“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 24-модда).

Бешинчидан, ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмаган бошқа ҳолатларда таъминланиш ҳуқуқига эгаллиги маълум бўлади (“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”, 25-модда).

XX аср ўрталарида халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқларининг тенг ва ажралмас таркибий қисми сифатида меҳнат соҳасида асосий тақиқлар ва ҳуқуқлар эълон қилинади. Шу билан бирга, улар барча халқ ва давлатлар бажаришга интилиши керак бўлган масалалар сифатида кўрилади бошланди. Худди шу тарзда, улар БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”да мустаҳкамлангандир. Ушбу XX юз йилликнинг асосини ташкил этувчи халқаро ҳужжатда инсон ҳуқуқларини ифодаловчи бир қатор принциплар ҳуқуқий ҳолатлар ажратилган. XX асрнинг охиригача учдан бирида меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ нормаларини ўз ичига олган комплекс ҳуқуқий институт сифатида кўриб чиқилади. Ушбу ҳолат шунда намоён бўлдики, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш бир вақтнинг ўзида БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган иккита халқаро ҳужжат: “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактларда ифодаланди. Уларда турли мамлакатлар меҳнат

соҳасида инсон ҳуқуқларининг тан олиниш ва таъминлаш заруриятига тааллуқли асосий принципиал ҳолатлар тасдиқланган ва кенгайтирилган эди.

Биринчидан, умумжаҳон халқаро ҳуқуқ миқёсида қулчилик ва қул савдоси ман этилиши тасдиқланган ва бир вақтда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик кўрсатилган эди. Халқаро фуқаролик-сиёсий маънони, ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг ҳар қандай кўриниши тақиқланади (“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт, 8-модда, 1-қисм), ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак (“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт, 8-модда, 2-қисм) ва ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қонунчиликда йўл қўйиладиган, чекланган иш турлари бундан мустасно (“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт, 8-модда, 3-қисм).

Иккинчидан, ҳар бир инсон бошқалар билан уюшмалар тузиш, жумладан касаба уюшмалар ташкил этиш эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эгаллиги тан олинган (“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт, 22-модда, 1-қисм). 1948 йилги ХМТ нинг 87-сонли “Ассоциациялар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида”ги Конвенциясининг сиёсий-ҳуқуқий аҳамияти халқаро миқёсда тан олинади. Ушбу Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенцияси унда назарда тутилган иштирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кафолатларга зиён етказган ҳолларда қонуний ҳужжатлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказадиган қонунни қўллашга йўл қўймайди. Фақатгина касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқини мустаҳкамлаган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларация”дан фарқли ўлароқ, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пакт хоҳлаган уюшма тузиш эркинлигини, жумладан, хоҳ у ишчилар ташкилоти, хоҳ тадбиркорлар ташкилоти бўлсин, модомики 1948 йилги ХМТ нинг 87-сонли “Ассоциациялар эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида”ги Конвенциясига йўналтирди, чунки унда ишчилар ҳамда тадбиркорларнинг вакиллик ташкилотлари ҳуқуқлари тенглиги мустаҳкамланган.

Учинчидан, меҳнат қилиш ҳуқуқи принципиал халқаро ҳуқуқий норма сифатида ўрнатилади. У ўз ичига ҳар бир одам эркин танлайдиган ёки унга эркин ҳолда рози бўладиган, инсоннинг яшаши учун маблағ топиш имкониятини берувчи меҳнат қилиш ҳуқуқини қамраб оладиган, уни амалга оширишга қаратилган давлатлар томонидан кўриладиган чора-тадбирлари, касб-техника таълими ва тайёргарлик дастурлари, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кафолат берувчи шароитларда

узлуксиз ҳолда иқтисодий, ижтимоий ва маданий таракқиётга одамларнинг ишлаб чиқаришда тўлиқ банд бўлишига эришиш усули ва йўллاردан иборат бўлиши керак.

Халқаро ҳуқуқий принципиал нормаларнинг яна бир мисоли, халқаро Пакт иштирокчиси бўлган давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш ҳуқуқини, жумладан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- барча меҳнаткашларга камида тенг қийматга эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айти пайтда жумладан, аёлларга эркакларникидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш шароитининг таъминланиши;

- хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи меҳнат шароити;

- фақатгина меҳнат стажи ва малака асосида меҳнат фаолияти давомида янада юқорирок поғонага кўтарилиш учун барчага бир хил имконият;

- дам олиш, бўш вақт имкониятининг бўлиши ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ.

Тўртинчидан, халқаро миқёсда давлатларнинг ҳар бир мамлакат қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти мустаҳкамланди (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 8-модда, 1-қисм).

Бешинчидан, ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий суғурта ҳуқуқи мустаҳкамланди (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 9-модда).

Олтинчидан, оилага имкони борича кенг кўламда ёрдам бериш ва муҳофаза этиш, айниқса у шаклланаётган даврда, мустақил бўлмаган болалар ва улар тарбияси борасидаги ғамхўрлик оила зиммасида бўлганда ҳамда бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги давр мобайнида ишловчи оналарга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши, жумладан ушбу давр мобайнида ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақали таътилнинг таъминланиши (Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 10-модда, 1-2 қисмлар).

Еттинчидан, ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити давомий яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқи эътироф этилиб, давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу

борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда тегишли чораларни кўриш мажбурияти мустаҳкамланган.

Меҳнатга тааллуқли кўп сонли норматив ҳолатлар ХМТ – меҳнат масалалари бўйича халқаро норматив фаолият бош марказининг меҳнат билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун махсус ташкил этилган ташкилот Устав ва ҳужжатларида акс эттирилган.

ХМТ БМТ билан алоҳида шартнома билан боғланган бўлиб, махсус муассасаси мақомига эга. Ушбу шартномага асосан халқаро меҳнат ва ижтимоий масалалар фаолияти бўйича асосий жавобгарлик ХМТ томонидан тан олинади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1919 йилда ташкил этилиб, унинг низоми Версал шартномасининг бир қисми бўлган. 1946 йилда ХМТ тинчлик ва ижтимоий адолатни, умум эътироф этилган инсоний ва меҳнат меъёрларни ўрнатишга, меҳнаткашларнинг асосий ҳуқуқларни муҳофазалашга, яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашга, унинг барча жабҳаларида ижтимоий юксалишга кўмаклашадиган, БМТ билан боғланган дастлабки ихтисослаштирилган муассаса бўлди.

ХМТ меҳнат қилувчиларга ижтимоий адолатни таъминлашга кўмаклашади. У меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган халқаро сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқади: ХМТ ишлаб чиққан сиёсатни юритишда миллий ҳокимият учун йўналтирувчи тамойиллар сифатида хизмат қилишга йўналтирилган халқаро меҳнат стандартларини белгилайди; амалиётда шундай сиёсатни самарали юритишда ҳукуматларга кўмаклашиш мақсадида техник ҳамкорлик дастурларини рўёбга чиқаради; ушбу саъйи-ҳаракатлар мувафаққиятига ёрдам беришга интилиб, малакали тайёргарлик ва таълимни амалга оширади ва тадқиқот ишларини олиб боради.<sup>1</sup>

Иш вақти ва дам олиш вақти бир-бири билан ўзаро боғлиқ категориялар ҳисобланади. Ушбу категориялар нафақат юридик фанларда, балки социология, психология, иқтисодиёт ва билимнинг бошқа соҳаларида ҳам ўрганилади.

Иш жойларида меҳнат нормаларини жорий этиш ва мониторинги бўйича ХМТнинг давомли ва хилма-хил фаолияти халқаро меҳнат стандартлари ва йўналтирувчи тамойилларига асос солиб, деярли барча давлатлар миллий қонунчилигида қабул қилинган. ХМТ ижтимоий адолатга асосланган, биринчи навбатда адолатли компенсация ва иш жойида соғлом муҳит шароитида меҳнат қилиш ҳолдагина, ижтимоий барқарорлик ва интеграция сақланиши мумкин бўлган тамойиллар билан идора этилади. Бир неча ўн йилликлар давомида ХМТ саккиз соатлик иш куни, оналикни ҳимоялаш, болалар меҳнати

---

<sup>1</sup> Организация Объединенных Наций. Основные факты. М.: Весь Мир, 2000. С. 62.

тўғрисидаги қонунлар ва иш жойлари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда тинч-тотув муносабатларга қаратилган бир қатор қадамлар каби мезонларнинг ишлаб чиқилишига кўмаклашмоқда.

ХМТ фаолияти Халқаро Меҳнат Ташкилоти Низоми билан тартибга солинади. Шунингдек, ХМТ асосланадиган асосий тамойиллари, унинг мақсад ва вазифалари ХМТ Бош конференциясининг 26-сессиясида қабул қилинган (1944 йил 10 май, Филадельфия) Халқаро Меҳнат Ташкилоти мақсад ва вазифалари Декларацияси билан белгиланади. Умуман олганда, меҳнатнинг турли хил жабҳаларига оид 180 дан ортиқ Конвенция ва 190 га яқин Тавсиялар қабул қилинган эди. Уларнинг кўпчилиги маъмурият билан ўзаро муносабатлар, ишлаб чиқариш муносабатлари, бандлик сиёсати, меҳнат шароитлари, ижтимоий таъминот, иш жараёнида техника хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш ҳамда иш жойида инсоннинг асосий ҳуқуқларини таъминловчи бошқа жihatлар, масалан, аёллар, болалар ва ногиронлар каби ишчиларнинг алоҳида тоифаларининг иш билан таъминланиши, каби масалаларга тааллуқли эди<sup>1</sup>.

Халқаро меҳнат ташкилоти ўз фаолиятида тўртта стратегик мақсад билан идора этилади:

1. Меҳнат соҳасида асосий тамойил ва ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ қилиш ва жадаллаштириш;
2. Самарали бандлик ва даромад олишда аёллар ва эркаклар учун кенг имкониятлар яратиш;
3. Барча учун ижтимоий ҳимоянинг кўлами ва таъсир доирасини кенгайтириш;
4. Трипартизм ва ижтимоий мулоқотнинг мустаҳкамланиши.

Универсаллик ва уч томонламалик (трипартизм) тамойиллари Халқаро Меҳнат Ташкилоти фаолиятининг йўналтирувчи қоидалари бўлиб, улар ёрдамида ташкилот халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиб ва қабул қилиб, олдига қўйилган масалаларни ҳал этади.

Универсаллик принципи: уни умумжамоа тамойили деб аташ ҳам мумкин. У ХМТга қўшилиш имкониятини унинг Низомида назарда тутилган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган барча давлатларга таъминлайди (ХМТ низоми, 2-4 қисмлар). Универсаллик тамойили ХМТ томонидан ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган кўпгина меҳнат нормалари табиатида ҳам ифодаланади.

---

<sup>1</sup> [www.ilo.org.ru](http://www.ilo.org.ru).

Уч томонламалик (трипартизм) тамойили асосида меҳнат тўғрисидаги халқаро нормаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида ХМТ ишининг махсус ташкил этилганлиги, шунингдек уларнинг қўлланиши устидан назорати ётади. “Трипартизм” тамойили фақатгина ХМТга хосдир. Унинг моҳияти шундаки, бу ишда аъзо давлатлар намоёндалари билан бир қаторда тенг ҳолда тадбиркорлар ва меҳнаткашлар вакиллари ҳам иштирок этишади. Ҳар бир ХМТга аъзо давлат йилда бир марта бўладиган халқаро меҳнат конференциясига ҳукуматдан иккита, тадбиркорлардан битта ва меҳнаткашлардан битта делегат юборади. Тадбиркорлар ва меҳнаткашлар делегатлари мустақил равишда сўзга чиқадилар ва овоз берадилар. Шундай қилиб, ҳар бир халқаро норма тадбиркорлар ва меҳнаткашлар манфаатларини ифодалайди ҳамда меҳнат соҳасида томонларнинг ўзаро муносабатларига оид масалаларнинг муросали ечими ҳисобланади.

Трипартизм технократик характердаги қарорларнинг қабул қилинишига тўсқинлик қилади ва ХМТ фаолияти устидан демократик назоратни таъминлайди.<sup>1</sup>

ХМТ тузилиши учта органдан ташкил топади:

- Ҳукуматлар, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар делегатларидан ташкил топган Халқаро меҳнат конференцияси ҳар йили чақирилади. У бюджет ва халқаро меҳнат стандартларини белгилайди;

- Маъмурий кенгаш мажлиси йилига икки марта чақирилиб, ХМТ ишини бошқаради, дастур ва бюджетни тайёрлайди, ХМТ стандартларига риоя этилмаган ҳолатларни текширади;

- Халқаро меҳнат бюроси Ташкилотнинг доимий фаолият кўрсатадиган котибияти ҳисобланади;

Юқорида таъкидланганидек, Халқаро меҳнат конференцияси мажлисга ҳар йили йиғилади. Бу ХМТнинг асосий органи бўлиб, ушбу ташкилотга аъзо давлатлар вакилларини ўз ичига олади. Халқаро меҳнат конференциясида ҳар бир делегация тўрт кишидан иборат бўлади: иккита ҳукумат делегати; нуфузлироқ касаба уюшмалари келишувига кўра тайинланган ишчилардан битта делегат; нуфузлироқ тадбиркорлар ташкилотларининг келишувига кўра тайинланган тадбиркорлардан битта делегат. Ҳар ким индивидуал тартибда овоз беради.

1919 йилдан 2000 йилга қадар Халқаро меҳнат конференцияси (ХМК)нинг 87 сессияси бўлиб ўтди.

---

<sup>1</sup> Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. М.: Дело, 1999. С. 458.

Халқаро меҳнат конференциясига сайланадиган Маъмурий кенгаш 56 кишидан иборат бўлади: 28 киши ҳукуматдан, 14 таси тадбиркорлардан ва 14 таси меҳнаткашлардан.

Халқаро меҳнат бюроси - Маъмурий кенгаш томонидан тайинланган Бош директор бошчилигидаги ХМТ доимий котибиятидир. ХМБ таркиби Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан Бош директор томонидан шакллантирилади. ХМТ тузилишининг ўзига хослиги – трипартизм, яъни вакилликнинг уч томонламалиги: ҳукуматларнинг, тадбиркорларнинг ва меҳнаткашларнинг 2+1+1 ёки 1+1+1 формуласи асосида ХМТ органларининг деярли барчасининг шакллантирилишидир.<sup>1</sup>

ХМТ низомига кўра, унинг энг асосий фаолият йўналишлар бири – меҳнат соҳаси ва меҳнат муносабатларида халқаро стандартлар яратишдир. Бу, одатда конвенциялар ва тавсиялар қабул қилишда ифодаланади.

ХМТ конвенция ва тавсиялари меҳнат, ёлланма меҳнат, касбий тайёргарлик, меҳнат шароитлари, ижтимоий таъминот, техника хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги асосий ҳуқуқлар бўйича ХМТ юқори органи – Халқаро меҳнат конвенциясининг ҳар йилги сессияларида қабул қилинади. Ушбу ҳужжатлар ХМТга аъзо давлатлар вакиллари томонидан тегишли масалалар бўйича батафсил таҳлиллари натижаси ҳисобланади. Конвенция ва тавсиялар ХМТ аъзоларини автоматик тарзда боғлаб қўядиган ҳужжатлар ҳисобланмайди, лекин ҳукумат навбатдаги ратификация учун ўзининг миллий органларига тақдим этишлари шарт. Конвенцияларни ратификация қилган ХМТ аъзо давлатлари қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилишида уларни ҳисобга олишга мажбурдирлар. Ушбу ҳужжатларнинг қўлланилиши тўғрисидаги турли ҳукуматларнинг маърузалари ҳар йили ХМТ да кўриб чиқилади.

Конвенциялар – меҳнат муносабатлари, савдо, пул айланиши, солиқ ва тўловлар ундириш, экспорт қилинадиган маҳсулот (товар ва хизматлар)га нарх белгилашда умумий, келишилган қоидаларни назарда тутувчи давлатлар ҳукумати даражасидаги халқаро шартномалар, масалан, ХМТ конвенцияси, муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, темирйўл, почта-телеграф конвенцияси.<sup>2</sup>

Халқаро ва давлат миқёсида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда, ХМТ конвенциялари аҳамиятини турлича баҳолаш мумкин. Биринчидан, уларда барча давлатлар қонунчилиги юксак даражада мувофиқ бўлган меҳнат стандартларидан ташкил

---

<sup>1</sup> Организация Объединенных Наций. Основные факты. М.: Весь мир, 2000. С. 178.

<sup>2</sup> Справочник труда и социального обеспечения. С.82.

топган. Иккинчидан, ХМТ конвенциялари меҳнат қонунчилигини унификация қилиш (бир хиллаштириш)га ёрдам беради.

Меҳнат ва меҳнат муносабатлари тўғрисидаги барча ХМТ конвенцияларини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни универсал мазмунли ҳужжатлар ташкил этади. Авваламбор, 1998 йил июнда, ХМТ 86-сессиясида қабул қилинган **Меҳнатга оид асосий тамойиллар ва ҳуқуқлар Декларациясини** айтиш керак. Декларация ХМТга аъзо барча давлатлар амал қилиши мажбурий бўлган тўрт тамойилни ифодалаб берди. Булар:

- эркин бирлашиш ва коллектив музокаралар ҳуқуқини амалий тан олиш;
- мажбурий меҳнатнинг барча шакллари тугатиш;
- болалар меҳнатини амалий тақиқлаш;
- меҳнат ва касб соҳасида камситишларга йўл қўймаслик.

Шунингдек, ХМТ аъзо давлатлари учун биринчи навбатда ратификация қилиниши лозим бўлган қуйидаги Конвенциялар ҳам универсаллик хусусиятига эга: “Мажбурий меҳнат тўғрисида” №29 (1930), “Уюшма эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида” №87 (1948), “Бирлашиш ҳуқуқи ва жамоа шартномалари тузиш тўғрисида” №98 (1949), “Тенг қийматли иш учун тенг ҳақ тўлаш тўғрисида” №100 (1951), “Мажбурий меҳнатни бекор қилиш тўғрисида” №105 (1957), “Меҳнат ва касб соҳасида камситиш тўғрисида” №111 (1958), “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида” №138 (1973).

ХМТ ҳужжатларининг иккинчи гуруҳини алоҳида субъектлар ва меҳнат ҳуқуқининг турларига тааллуқли Конвенциялар ташкил этади. “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги №103 Конвенция (1952), “Ногиронлар касби ва бандчилигини тиклаш тўғрисида”ги №159 Конвенция (1983), “Корхонада меҳнат қилувчилар вакиллариининг ҳуқуқлари тўғрисида”ги №135 Конвенция (1971), “Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчилар ташкилотлари тўғрисида”ги № 141 Конвенция, “Бирлашиш ҳуқуқини ҳимоялаш ва давлат хизматида бандликнинг шарт-шароитларини аниқлаш жараёнлари тўғрисида”ги №151 Конвенция (1978), “Йўл транспортида иш вақти ва дам олиш даври муддатлари тўғрисида” ги №153 Конвенция (1979), “Ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисида”ги №153 Конвенция (1981) ва бошқалар.

Меҳнатни халқаро ҳуқуқий тартибга солишдаги йўналишлардан бири – шахсий маълумотларнинг иш берувчилар, ташкилотлар ва бошқа учинчи шахслар томонидан сууистеъмол қилиниши ва ўзбошимчалигидан ҳимоялаш. Ушбу масалага ХМТ

экспертлари томонидан ишлаб чиқилган, ходим ҳақидаги маълумотлар муҳофазаси бўйича Амалий кодекс бағишланган.

Кодекс мақсадлари – халқаро амалиётда ходим ҳақидаги маълумотлар муҳофазаси бўйича манфаатдор давлатлар, шахслар ва корхоналарга ёрдам бериш ҳамда тегишли миллий қонунчиликнинг ишлаб чиқилишига кўмаклашиш ҳисобланади.

Кодекс хусусий ва давлат секторларида, ахборотларни қўлда ва автоматтик тарзда ишлашда амал қилади ва шахсий маълумотларни йиғиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш, шахсий маълумотларни узатиш тартибини ҳамда маълумотлар муҳофазаси таъминланиши соҳасида ходимларнинг шахсий ва умумий ҳуқуқларини белгилайди.

Конвенциялар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳим тури сифатида меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида институтларини тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан:

- 175-сонли Конвенция тўлиқсиз иш вақтини тартибга солади;
- 171-сонли Конвенция тунги иш вақтига оид нормаларни ўз ичига олади;
- 52 ва 132-сонли ХМТ Конвенциялари ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади;
- 90-сонли Конвенция саноатда ўсмирлар тунги меҳнати тўғрисида ва саноатдан ташқари ишларда ўсмирлар тунги меҳнати тўғрисидаги 79-сонли Конвенция ёшларнинг тунги меҳнатини ман этувчи муносабатларни тартибга солиувчи нормаларни ўз ичига олади.

ХМТнинг қонун ижодкорлиги шаклларида яна бири халқаро стандартларнинг тавсиялар кўринишида қабул қилинишидир. ХМТ тавсиялари аъзо давлатлар амалий ижтимоий меҳнат сиёсатида таъсир кўрсатадиган асосий воситалар қаторига киради. ХМТ тавсиялари Ташкилот юқори органи – меҳнат, ёлланма меҳнат, касбий таёргарлик, меҳнат шароитлари, ижтимоий таъминот, техника хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги асосий ҳуқуқлар бўйича Халқаро меҳнат конференциясининг ҳар йилги сессияларида қабул қилинади. ХМТ 1919 йил ташкил этилгандан буён 194 тавсиялар қабул қилди. Конвенциялардан фарқли ўлароқ, тавсиялар халқаро шартнома ҳисобланмайди ва ратификация қилиниши шарт эмас, негаки улар аъзо-давлатлар сиёсати, миллий қонунчилигини ўрнатиш (ўзгартириш, такомиллаштириш)да ва ижтимоий-меҳнат соҳасида амалий тадбирларни ишлаб чиқишда мўлжал вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, унинг аҳамияти ва муайян ҳуқуқий кучини менсимаслик нотўғри бўлар эди.

Тавсия давлатлар миллий қонунчилигига шунга мувофиқ нормалар киритишга талаб, таклиф (маслаҳат)лар сифатида намоён бўлади. Тавсия миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун зарур бўлган, жаҳон тажрибасида маёқ вазифасини ўтайдиган ҳужжатларни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, тавсия – маълумот базаси ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун мумкин қадар андозадир. Тавсия конвенция қоидаларини тавсифлайди, аниқлаштиради, баъзида эса тўлдиради, улар таркибини янада тўлиқ қилади ва мустаҳкамлаштиради, у ёки бу халқаро нормаларни ўзлаштириш тўғрисидаги масалаларни ечишда давлатларга танлаш имкониятини кенгайтиради.<sup>1</sup>

Тавсиялар (конвенция каби) ХМТ аъзо давлатларига кучга эга бўлиш учун қонун қабул қилиши ёки бошқа йўллар билан ҳокимиятнинг ваколатли органлари кўриб чиқишига тақдим этилади, шу билан бирга ХМТ ушбу масала юзасидан қабул қилинган натижалари ҳақида хабардор қилинмоғи лозим. Кейинчалик, давлатлар тавсияларнинг амалга оширилишига нисбатан худди шундай маълумотни ХМТга тақдим этишлари лозим. Охириги йилларда тавсиялар аҳамияти меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим манбалардан бири сифатида, сезиларли даражада ортди.

Иш вақти муддати ҳам ХМТ тартибга соладиган асосий объектлардан бири бўлиб, иш вақти муддатини аста-секин қисқартириш сиёсати ва уни амалга ошириш услубларини аниқлайдиган 116-сонли Тавсия шунга бағишланган.

---

<sup>1</sup> Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. М.: Дело, 1999. С. 459.

## **II БОБ.ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИНИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **2.1.Иш вақти соҳасидаги халқаро меҳнат стандартларининг умумий тавсифи**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим ҳужжатларида иш вақти масаласига муҳим эътибор қаратилади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 24-моддасига биноан, ҳар бир шахс дам олиш, шунингдек оқилона иш кунининг белгиланиши ва тўланадиган даврий меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эгадир.

ХМТ Конвенциялар ва Тавсиялар қабул қилади. Бу ҳужжатларни қабул қилиш тартиби бир хил эканлигига қарамай, уларнинг ҳуқуқий кучи ва татбиқ қилиш тартиби турличадир.

Ўз табиатига кўра, ХМТ конвенциялари серқирра халқаро ҳужжатлар ҳисобланади. ХМТ конвенцияларига ратификация қилган мамлакатларнинг, бу конвенцияларни ҳаётга татбиқ этиш учун барча қонуний ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш мажбуриятини оладилар. Бундан ташқари, конвенцияни тасдиқлаш ҳар бир мамлакатга ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган нормаларнинг бажарилиши ва бунинг учун кўрилган чора-тадбирлар ҳақида ХМТга даврий равишда (конвенциянинг муҳимлик даражасига қараб, 2-4 йилда бир марта) ҳисобот бериб туриш мажбуриятини юклайди.

ХМТ ўзининг салкам бир асрлик фаолияти давомида иш вақтига тааллуқли бўлган жами 16 конвенция қабул қилган. Улар қуйидагилар:

- 1.** 1919 йилдаги 1-сонли “Саноатда иш вақти тўғрисида”ги конвенция;
- 2.** 1919 йилдаги 4-сонли “Тунги вақтда аёллар меҳнати тўғрисида”ги конвенция(1934 йил 41-сон билан қайта кўриб чиқилган);
- 3.** 1919 йилдаги 6-сонли “Саноатда тунги вақтда ўсмирларнинг меҳнати тўғрисида”ги конвенция;
- 4.** 1930 йилдаги 30-сонли “Савдо ва муассасаларда иш вақти тўғрисида”ги конвенция;
- 5.** 1931 йилдаги 31-сонли “Кўмир шахталарида иш вақти тўғрисида”ги конвенция(1935 йил 46-сон билан қайта кўриб чиқилган);
- 6.** 1935 йилдаги 47-сонли “Ҳафталик 40 соатлик иш вақти тўғрисида”ги конвенция;
- 7.** 1935 йилдаги 49-сонли “Шиша қуйиш корхоналарида иш вақтини қисқартириш ҳақида”ги конвенция;
- 8.** 1936 йилдаги 51-сонли “Жамоат ишларида иш вақтини қисқартириш тўғрисида”ги конвенция;
- 9.** 1936 йилдаги 57-сонли “Кема бортларида ва кема экипажи таркибида иш вақти тўғрисида”ги конвенция;
- 10.** 1937 йилдаги 61-сонли “Текстиль саноатида иш вақтини қисқартириш тўғрисида”ги конвенция;
- 11.** 1938 йилдаги 63-сонли “Иш ҳақи ва иш вақти статистикаси тўғрисида”ги конвенция;
- 12.** 1939 йилдаги 67-сонли “Йўл транспортида иш вақти ва дам олиш вақти давомийлиги ҳақида”ги конвенция;
- 13.** 1946 йилдаги 76-сонли “Кема экипажи таркиби, иш ҳақи ва иш вақти ҳақида”ги конвенция(1949 йил 93-сон, 1958 йил 109-сон билан қайта кўриб чиқилган);
- 14.** 1979 йилдаги 153-сонли “Йўл транспортида дам олиш даври ва иш вақти давомийлиги тўғрисида”ги конвенция;
- 15.** 1990 йилдаги 171-сонли “Тунги меҳнат тўғрисида”ги конвенция;
- 16.** 1994 йилдаги 175-сонли “Тўлиқсиз иш вақтида ишлаш тўғрисида”ги конвенция.

ХМТ ҳужжатларида иш вақти масаласига ҳамisha жиддий эътибор қаратилади. Бу борада, 1919 йилдаёқ қабул қилинган биринчи Конвенция саноатдаги иш вақтига бағишланганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу Конвенция, хусусан саноат корхоналарида банд бўлган кишиларнинг иш вақти давомийлиги саккиз соатдан

ошмаслиги зарурлигини кўзда тутган. ХМТнинг “Ҳафталик иш соатларини қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-сонли Конвенцияси (1956 й.) 40 соатлик иш ҳафтаси тамойилини янада мустаҳкамлайди. Ушбу Конвенция, бу тамойилнинг амалга оширилиши билан меҳнаткашларнинг ҳаёт даражаси пасайишига йўл қўйилмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. 40 соатлик иш ҳафтасини ўрнатиш ХМТнинг “Иш вақти давомийлигини қисқартириш тўғрисида”ги 116-Конвенциясида (1962 й.) ҳам янада мустаҳкамланади. Бу Тавсия мамлакатларга иш вақти давомийлигини секин-аста қисқартириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш, бундай сиёсат таркибини ва уни амалга ошириш чораларини аниқлашни таклиф қилади.

Меъёрий иш вақтидан ортиқча ишланган соатларга, ХМТ ҳужжатлари иш вақтидан ортиқча ишлаш, деб ҳисоблайди ва унинг чегаравий меъёрлари ҳар бир мамлакатда аниқланиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Иш вақтидан ортиқча ишлашга, фақатгина истисно ҳолатларда йўл қўйилиши мумкин. Бундай иш соатларига қўшимча ҳақ тўланиши зарур (ўртача иш вақти давомийлигидаги ишнинг 25 фоизидан кам бўлмаган тарзда).

Тўлиқсиз иш вақти ҳам халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ҳисобланади.

ХМТнинг “Тўлиқсиз иш вақтида банд ишчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 175-Конвенцияси тўлиқ ва тўлиқсиз иш вақтида банд шахсларнинг тенг ҳуқуқли меҳнат муҳофазаси ва ҳимоясида давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамлайди. Миллий қонунчилик ишчилар асосий иш ҳақини (тариф ставкаларини), улар тўлиқсиз иш вақтида ишлаётганига асосланган ҳолда пасайишига йўл қўймаслиги керак. Тўлиқсиз иш вақтида банд ишчиларнинг иш ҳақи улар ишлаган вақтга мутаносиб равишда ёки маҳсулот ишлаб чиқаришга қараб белгиланиши лозим. Тўлиқ иш вақтидан тўлиқсиз иш вақтига ўтиш ёки аксинча ҳолат, фақатгина, ихтиёрий равишда амалга оширилади.

ХМТнинг 182-сонли Тавсияси 175-сонли Конвенция моддаларини аниқлаштиради ва тўлдиради. Ушбу Тавсия қисман банд кишилар меҳнатнинг ўзига хос шароитлари, меҳнат муҳофазаси бўйича тўлиқсиз банд ишчиларга қўлланиладиган зарурий меъёрларнинг тўлиқ иш вақтида ишловчиларга нисбатан кўпроқ бўлмаслиги ҳақида ёзма равишда хабар берилиши кераклигини кўзда туттади.

ХМТнинг “Тунги меҳнат тўғрисида”ги 171-сонли Конвенциясига кўра, тунги меҳнат – бу белгиланган вақтда 7 соатдан кам бўлмаган, ярим тун ва эрталаб соат 5 да танаффусларни ўз ичига олган вақтда амалга ошириладиган ҳар қандай фаолиятдир. Бу

Конвенция ХМТ хужжатларида меҳнат муҳофазаси бўйича тунги вақтда ишлашга аёллар ва ёшларга бериладиган чекланишлардан ташқари ҳолларда ишчиларга тунги вақтда ишлашга рухсат берилади. Ушбу Конвенция ҳар бир аъзо мамлакатга тунги вақтда ишловчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, касбий ўсиш учун оилавий ва ижтимоий мажбуриятларини бажаришлари учун кўмаклашиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа шу каби мажбуриятларни мустаҳкамлайди. Тунги вақтдаги меҳнат учун қўшимча ҳақ тўланиши шарт.

ХМТнинг “Аёлларнинг тунги меҳнати тўғрисида”ги 89-сонли Конвенцияси (1948 й.) ва уни тўлдирувчи Протокол (1990 й.) ҳам айнан саноатда тунги вақтда аёллар меҳнатини чеклашларга бағишланган.

Ушбу Конвенцияга биноан, қандай ёшда бўлишидан қатъи назар, аёллар тунги вақтда меҳнат қилишларига йўл қўйилмайди. Фақатгина оилавий муассасаларда, форс-мажор ва тез бузиладиган маҳсулотларга ишлов беришда йўқотиш хавфи бор ҳолатлари бундан мустаснодир.

89-сонли Конвенция маъмурий тусдаги масъул лавозимларда ишловчи, шунингдек, одатда жисмоний меҳнат талаб қилмайдиган, соғлиқни сақлаш ва таъминлаш соҳаларида банд аёлларга татбиқ қилинмайди.

89-сонли Конвенциянинг моддалари етарлича эгилувчан эмаслигига, аёллар ва эркеклар тенглиги тамойилига зидлиги билан танқид қилиниши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим. Ушбу конвенция моддаларига кўпроқ эгилувчан куч бериш мақсадида 1990 йилда Протокол тасдиқланди. Бу Протокол 89-сонли Конвенцияни тўлдирган ҳолда, бу Конвенциядаги истисновий ҳолатларни соддалаштириб беради. Хусусан, ушбу Протокол маълум ҳолларда ва маълум чекланишлар билан иш вақти давомийлиги, тунги меҳнатга ўтказишга тақиқловлар бўйича Конвенцияда белгиланган моддаларга ўзгартириш киритишга рухсат беради. Бунда киритиладиган ўзгартиришлар ҳомиладор аёллар ва фарзанд туғилганидан сўнг маълум ўрнатилган вақтга таъсир қилмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Охириги йилларда кўплаб ривожланган мамлакатлар, асосан Европа Ҳамжамиятига аъзо давлатлар 89-сонли Конвенцияни эскирган деб бекор қилдилар ва 1990 йилда қабул қилинган “Тунги меҳнат тўғрисида”ги 171-сонли Конвенцияни анча эгилувчан ва замонавий талабларга мос эканлигини таъкидладилар.

ХМТнинг “Саноатда ўсмирларнинг тунги меҳнати тўғрисида”ги 90-сонли (1948 й.) ва “Саноат ишларида ўсмирларнинг тунги меҳнати тўғрисида”ги 79-сонли

Конвенциялари ўсмирларнинг тунги ишлашлари бўйича тақиқлов ва чекловларни ўз ичига олади. Умумий қоидаларга кўра ўсмирларнинг тунги меҳнат қилишларига 18 ёшгача йўл қўйилмайди. Маълум ҳолларда, саноатга оид бўлмаган ишларга истисно тариқасида қаралади ва баъзи шароитларда 14 ёшга етган ўсмирларни ҳам меҳнатга жалб қилиш мумкинлиги назарда тутилади.

ХМТнинг “Кекса меҳнаткашлар тўғрисида”ги 162-сонли (1980 й.) Тавсияси ишлаб чиқаришда катта ёшли меҳнаткашларнинг аҳволини осонлаштиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олди. Хусусан қуйидаги чораларни кўриш тавсия қилинади: биринчи навбатда ўта зарарли ва хавфли ишларда банд бўлган кекса меҳнаткашларнинг меъёрий иш соатларини қисқартириш; нафақа ёшига етгунга қадар, белгиланган муддатда кекса меҳнаткашларнинг илтимосларига биноан, уларнинг иш соатларини аста-секин қисқартириб бориш, уларнинг ихтиёрига кўра иш вақти тартибини, жумладан тўлиқсиз иш вақтида ишлаш, сменали ишларда ўзгарувчан графикка ўтиш, кунлик сменаларда ишлашларига рухсат бериш кабилар.

Бунда, 162-сонли Тавсияга биноан, “Кекса меҳнаткашлар” тушунчасига миллий қонунчиликда таъриф берилиши лозимлигига эътибор қаратиш керак. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир мамлакат кексалар тоифасига кимларни киритиш кераклигини ўзи белгилайди.

Ҳафталик дам олиш ва бундай дам олишнинг қанча давом этиш стандартлари ХМТнинг “Саноатда ҳафталик дам олиш тўғрисида”ги 14-сонли (1921 й.) ва “Савдо ва бошқа муассасаларда ҳафталик дам олиш тўғрисида”ги 106-сонли Конвенциялари (1957 й.)да ўз аксини топган.

Юқорида тилга олинган конвенцияларнинг биринчисига биноан, саноатда банд шахс ҳар етти куннинг бирида узлуксиз 24 соатли дам олиш ҳуқуқидан фойдаланиши керак. Имкон даражасида, бу дам олиш вақти мамлакат ёки ҳудудда белгиланган одат ва анъаналарга кўра белгиланган дам олиш вақти билан бир хил бўлиши лозим.

106-сонли Конвенцияда келтирилишича, савдода банд ишчиларнинг узлуксиз ҳафталик дам олишлари 1 суткадан кам бўлмаслиги, бошқа муассасаларда эса 36 соатдан кам бўлмаслиги, ўсмирлар учун эса 2 суткадан кам бўлмаслиги шарт.

## **2.2. Дам олиш вақти соҳасидаги халқаро меҳнат стандартлари**

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ёлланиб ишловчи ходимлар меҳнат шароитлари адолатли бўлишини таъминлашга, уларнинг дам олиш, ўз жисмоний ва руҳий

қувватларини тиклаб олишларига қаратилган бир қатор Конвенциялари мавжуд ва уларнинг барчасида инсон, унинг ҳаёти, саломатлиги энг олий қадрият эканлиги ғояси ўз ифодасини топган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Битимнинг 7-моддасига мувофиқ, бу битимга аъзо мамлакатлар ҳар бир шахс дам олиш, шунингдек оқилона иш кунининг белгиланиши ва тўланадиган даврий меҳнат таътили олиш ҳуқуқини ўз ичига олган, ҳаққоний ва мақбул меҳнат шароитлари ҳуқуқини тан оладилар.

Бугунги кунга келиб Халқаро Меҳнат Ташкилотининг дам олиш вақтига бағишланган жами ўндан ортиқ конвенцияси мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

1. 1921 йилдаги 14-сонли “Саноатда ҳар ҳафталик дам олиш тўғрисида”ги конвенция;
2. 1936 йилдаги 52-сонли “Ҳақ тўланадиган таътиллари ҳақида”ги конвенция;
3. 1936 йилдаги 54-сонли “Денгизчиларнинг ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги конвенция;
4. 1946 йилдаги 72-сонли “Денгизчиларнинг ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги конвенция(1949 йил 91-сон билан қайта кўриб чиқилган);
5. 1952 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги конвенция;
6. 1957 йилдаги 106-сонли “Савдо муассасаларида ҳафталик дам олиш тўғрисида”ги конвенция;
7. 1970 йилдаги 132-сонли қайта кўриб чиқилган “Ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари тўғрисида”ги конвенция;
8. 1974 йилдаги 140-сонли “Ўқув таътиллари ҳақида”ги конвенция;
9. 1976 йилдаги “Денгизчиларнинг ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги конвенция.

Ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилларига бўлган ҳуқуқни ўрнатишда кўпгина мамлакатлар учун ҳар бир ходимнинг энг кам муддати олти иш куни давом этадиган, шунингдек, меҳнат стажига боғлиқ ҳолда таътил муддатини узайтириш ва унга ҳақ тўлаш имконини берувчи таътил олиш ҳуқуқи ифодаланган 1936 йилги Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган 52-сонли “Ҳақ тўланадиган таътиллари ҳақида”ги Конвенция катта роль ўйнади. Ушбу 52-сонли Конвенция ХМТнинг “истикболли” ҳужжати ҳисобланиб, унинг қабул қилиниши “келажақда ҳуқуқий тартибга солиш”га қаратилган. Ваҳоланки, конвенция қабул қилинган пайтда ХМТнинг иштирокчиси бўлган

айрим давлатларда меҳнат таътилининг муддати конвенцияда белгиланган муддатдан кўра кўпроқ қилиб белгиланган эди.

Шулардан иккитаси умумий характер касб этса, қолган олтитаси соҳалар бўйича меҳнат таътиллари беришга қаратилган. Хусусан, ХМТ томонидан 1936 йил 52-сонли “Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллари ҳақида”ги Конвенция қабул қилинган бўлса, 1970 йилга келиб ушбу Конвенция қайта кўриб чиқилиб, 132-сонли “Ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги Конвенция қабул қилинди. Бундан ташқари 1952 йилда 101-сонли “Қишлоқ хўжалигида ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътиллари ҳақида”ги, 1976 йилда 146-сонли “Денгизчиларга ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътиллари ҳақида”ги Конвенциялар ҳам қабул қилинган.

Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1936 йил 4 июнда 47-сонли “Ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътиллари ҳақида”ги, 1952 йил 4 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги, 1954 йил 2 июндаги “Ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътиллари ҳақида”ги **Тавсиялари** ҳам муҳим ўрин тутади<sup>1</sup>.

Дам олиш ҳуқуқининг инсон ижтимоий ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида Асосий қонунимизда белгилаб қўйилиши ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг барча кишилар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Меҳнат таътилини олиш ҳуқуқини белгиловчи конституциявий норма кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 133-моддасида янада аниқлаштирилди. Мазкур моддага асосан барча ходимларга, шу жумладан, ўриндошлик бўйича ишлаётган ходимларга ҳам дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Ҳозирда иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилига бағишланган иккита – 52-сонли (1936 й.) ва 132-сонли (1970 й.) Конвенциялар амал қилади. Бу иккала конвенция ҳам “Ҳақ тўланадиган меҳнат таътили тўғрисида” деб номланади.

52-Конвенцияда таъкидланишича, бу Конвенцияга амал қилиши мумкин бўлган ҳар бир шахс, узлуксиз бир йил меҳнат қилганидан сўнг, энг камида 6 кунга тенг бўлган ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. 16 ёшдан кичик шахслар, жумладан ўқувчилар, 1 йилда энг камида 12 иш кунига тенг бўлган ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу меҳнат таътили байрам кунлари ва касал бўлиш муддатини ўз ичига олмайди. Миллий қонунчилик йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини

---

<sup>1</sup> [www.ilo.org.ru](http://www.ilo.org.ru)

қисмларга бўлиши мумкин, лекин бу меҳнат таътили қисмларидан бири, ушбу Конвенцияда таътил давомийлиги учун келтирилган энг кам муддатдан кам бўлмаслиги керак. Меҳнат таътили давомийлиги миллий қонунчиликда ўрнатилган қоидалар асосида иш стажи муддатига мутаносиб тарзда кўпайиб боради. Меҳнат таътилига чиқаётган ишчи ходим оддий мукофотга тенг миқдордаги меҳнат таътили нафақасини олиш ҳуқуқига эга. Бундай нафақани ҳисоблаш тартиби миллий қонунчилик ёки жамоавий шартнома асосида белгиланади. Йиллик тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқини кўзда тутмайдиган ва бундай ҳуқуқни бекор қиладиган ҳар қандай шартнома қонуний кучга эга эмас.

52-сонли Конвенциядан 34 йил ўтиб 132-Конвенция қабул қилинди ва у меҳнат таътилига чиқиш соҳасида меҳнат қонунчилиги ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳамда анча юқори кафолат даражаларини кўзда тутди. Шунга боғлиқ ҳолда, аксарият ривожланган мамлакатлар 132-сонли Конвенцияни қабул қилишган. Ушбу Конвенцияга риоя қилувчи ҳар қандай шахс бир йил давомида 3 ҳафталик ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқини ўрнатиб беради. Меҳнат таътили олиш учун зарур иш муддати олти ойдан ошмаслиги лозим. Якшанба, байрам кунлари, шунингдек бетоблик даври бу таътилга кирмайди. Меҳнат таътили вақтида ишчиларга ҳеч бўлмаганда ўртача ойлик иш ҳақига тенг бўлган миқдорда ҳақ тўланиши керак. Бетоблик, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса ёки ҳомиладорлик билан боғлиқ равишда ишда бўлмаслик даври меҳнат таътили олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кўшилади. Меҳнат таътилини қисмларга бўлишга, фақатгина бу қисмларнинг ҳар бири икки ҳафтадан ошмаслиги шarti билан, рухсат этилади.

Меҳнат таътили олиш мумкин бўлган энг кам муддат ишлаган ишчи, меҳнат шартномаси тугатилгандан сўнг, ўз ишлаган даврига мутаносиб равишда ҳақ тўланадиган таътил олиши ёки фойдаланилмаган таътил учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Йиллик ҳақ тўланадиган энг кам меҳнат таътил олиш ҳуқуқини рад қилиш ёки компенсация тўланиши билан ундан фойдаланмасликка алмаштиришга йўл қўйилмайди ва тақиқланади.

ХМТнинг “Ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари тўғрисида”ги 140-сонли Конвенцияси (1974 й.) ва 148-сонли Тавсия умумий, ижтимоий ёки фуқаролик таълими, шунингдек касаба уюшмаси дарслари каби касбий тайёргарлик мақсадлари учун меҳнат таътили белгилашни кўзда тутди.

Аёлларнинг турмушга чиқишлари ёки она бўлишлари ва уларнинг самарали меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш борасида, камситилишнинг барча кўринишларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 11-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, аъзо

мамлакатлар ҳақ тўланадиган таътили ёки аввалги иш ўрни сақланган ҳолда, хомиладорлик ёки туғиш бўйича ижтимоий нафақа сақланган ҳолдаги таътил берилиши учун барча чораларни қўллайди.

ХМТнинг “Оналикни ҳимоялаш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенцияда туғиш муддати тахмин қилинган тиббий маълумотни тақдим этиш билан, аёллар 12 ҳафтадан кам бўлмаган ва туғишдан кейинги мажбурий, олти ойдан кам бўлмаган даврни ўз ичига олувчи оналик таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Агар туғиш тахмин қилинган кундан кейин бўлса, шу кунгача олинган меҳнат таътили туғишнинг ҳақиқий санасигача узайтирилади. Бу ҳолатда, туғишдан кейинги мажбурий таътил муддати қисқартирилмайди. Туғиш билан боғлиқ ҳоллардаги касаллик ҳолатларида аёллар туғишдан кейинги таътилни узайтириш ҳуқуқига эга. Хомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ таътил давомида аёлларнинг моддий нафақа ва тиббий ёрдам кўрсатилиш ҳуқуқи ҳам бор. Эмизикли боласи бор аёлларга иш вақти ва тўловларни ўз ичига олган ҳолда, танаффуслар олиши мумкин. Бундай танаффуслар сони миллий қонунчилик билан ўрнатилади.

ХМТнинг 2000 йилда 103-сонли Конвенциянинг қатор моддаларини қайта кўриб чиқувчи “Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 183-Конвенцияни тасдиқлаганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Хусусан, 183-сонли Конвенция хомиладорлик ва туғиш бўйича таътилни 14 ҳафтага узайтиради.

ХМТ нинг “Кекса меҳнаткашлар тўғрисида”ги 162-Конвенцияси (1980 й.) тавсия қилинган нормалар қаторида ишлаб чиқаришда банд кекса ходимлар ишини енгиллаштириш, уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда йиллик, ҳақ тўланадиган таътил муддатини узайтириш кабиларни алоҳида кўзда тутати.

Меҳнатнинг халқаро стандартлари ва миллий қонунчилик билан ўзаро муносабати ҳақида гапирар эканмиз, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражасини халқаро қонунчилик, ушбу мамлакатнинг халқаро шартномалари ва у учун ХМТ конвенциялари қабул қилган, умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларидан мажбурий ҳисобланган шартлардан паст бўлмаган тарзда таъминлаб бериши керак. Меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларининг ушбу даражадан тушиб кетишига йўл қўйилмайди. Шу билан бирга миллий қонунчилик, халқаро стандартлар билан мустаҳкамланган меъёрларга нисбатан меҳнатнинг янада имтиёзли шароитлари, янада юқорироқ меҳнат ҳуқуқ ва кафолатларини ўрнатиши мумкин.

### **2.3.Иш вақти ва дам олиш вақтига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари**

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида белгилаб қўйилган. Бу принцип кейинчалик "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳамда бошқа бир қанча қонунларда янада ривожлантирилди ва аниқлаштирилди. Меҳнат кодексида алоҳида модда (10-модда) халқаро шартномалар, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари билан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нисбати масаласига бағишланган.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларига тўла мувофиқ бўлиши керак

Айни вақтда шунга эътибор бериш зарурки, агар у ёки бу сабабларга кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари талабларига мувофиқлаштирилмаган бўлса, юқорида номлари зикр этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари бевосита қўлланилади ва миллий қонун ҳужжатларига нисбатан устуворликка эга бўлади.

Меҳнат кодексининг 10-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шу жумладан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган конвенциялари қоидалари, агар улар Ўзбекистоннинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган бўлса ҳам, куйидаги ҳолларда қўлланавериши керак:

меҳнатга оид муносабатларнинг у ёки бу жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солилмаган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига нисбатан имтиёзлироқ, қоидалар белгиланган бўлса.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Меҳнат кодекси 10-моддасининг юқорида келтирилган талаблари барча халқаро шартномаларга эмас,

Балки фақат белгиланган тартибда амалга киритилган халқаро шартномаларга, шу билан

бирга, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча конвенцияларига эмас, балки фақат Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларгагина татбиқ этилади.

"Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида"ги 1935 йилда қабул қилинган 47-конвенция ва "Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисида"ги 1936 йилда қабул қилинган 52-конвенция Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш вақти ҳамда дам олиш вақти соҳасидаги асосий конвенциялари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси бу конвенцияларга 1995 йилда қўшилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қўшилган ХМТнинг 103-сонли (1952 й.) "Оналикни муҳофаза қилиш" деб номланган Конвенциясида бир қанча кафолатлар, жумладан иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги кафолатлар ҳам назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари юқорида зикр этилган конвенцияларга мувофиқлаштирилган, баъзи ҳолларда эса мазкур конвенцияларда назарда тутилган минимал кафолатларга нисбатан ходимлар учун кафолатларнинг юқорироқ даражаси белгиланган.

Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1935 йилдаги 47-сонли Конвенциясига биноан иш вақти муддатини ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ белгилашга йўл қўйилмайди. Меҳнат кодексида ҳам назарда тутилишича, иш вақтининг муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак, айрим тоифадаги ходимлар (ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, нокулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар ва бошқалар) учун эса меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган. Мазкур Конвенцияга ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 116-Тавсияномасига мувофиқ иш вақтининг нормал муддатидан ортиқча ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб қаралади ва унга оширилган ҳақ (камида 25 фоиз) тўланиши керак. Ҳар бир мамлакатнинг ваколатли давлат органлари муайян календарь давр мобайнида ишлаш мумкин бўлган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатини белгилаб қўяди.

Меҳнат кодексининг 124-моддасида назарда тутилганидек, ходим учун иш вақтининг белгиланган муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади (бу ходим учун юқорида зикр этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганига нисбатан анчагина имтиёзлироқ ёндашувдир). Иш вақтидан ташқари ишлар фақат ходимнинг розилиги билангина қўлланилиши мумкин.

Айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишда чеклаш назарда тутилган (Меҳнат кодекси 124-моддасининг учинчи қисми). Меҳнат кодексининг

157-моддасида иш вақтидан ташқари ишлар учун ҳақ тўлашнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 47-Конвенциясида белгиланган минимал миқдориغا қараганда анча юқори миқдори мустаҳкамлаб берилган. Меҳнат кодексининг 125-моддаси иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1936 йилда қабул қилинган "Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 52-Конвенцияси талабларига ҳам мувофиқдир: биринчи иш йили таътил олиш учун зарур бўлган энг минимал давр олти ойни ташкил этади; касаллик туфайли, хомиладорлик ва туғиш таътили ва шу сингари сабабларга ишда бўлинмаган давр таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига киритилади; таътил даври учун ўртача иш ҳақиға тенг ҳақ тўланади; меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим фойдаланилмаган таътил учун пуллик компенсация олиш ҳуқуқига эга; ходимнинг таътил олиш ҳуқуқидан воз кечиш тўғрисидаги ёки минимал таътилни пуллик компенсация билан алмаштириш тўғрисидаги келишуви Меҳнат кодексининг 5-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилади ва ҳоказо.

Аёлларга хомиладорлик ва туғиш бўйича бериладиган таътил муддати Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ХМТнинг 103-сонли "Оналикни ҳимоялаш" тўғрисидаги Конвенциясига қараганда имтиёзлироқ қилиб берилган.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги халқаро стандартлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топмаган.

Мазкур ҳолат нафақат Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинмаган халқаро шартномалар, балки ратификация қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Масалан, ХМТнинг 52-сонли Конвенциясининг 5-моддасига мувофиқ ҳақ тўланадиган йиллик таътилларнинг муддати хизмат муддатининг ортишига мувофиқ равишда ошиб бориши белгиланган. Бироқ бизнинг Меҳнат кодексимизда ва бошқа меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларимизда йиллик таътилларни хизмат муддатларига мувофиқ равишда ортиб боришига оид халқаро ҳуқуқ қоидалари ўз аксини топмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси юқорида қайд этилган ХМТнинг 1936 йилги 52-сонли "Ҳақ тўланадиган таътиллар ҳақида"ги Конвенциясига кўшилган. Бироқ ушбу Конвенция ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди.

Ушбу Конвенция ХМТнинг 132-сонли (1970 й), (1973 йил 30 июнь) Конвенцияси кучга кириши билан қайта кўриб чиқилган ва у ратификация қилиш учун ёпиқ ҳолдадир.

Қайд қилиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигининг бир қанча нормалари 132-сонли Конвенция қоидаларига мувофиқ келади. Бироқ йиллик меҳнат таътилининг Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам муддати (15 иш куни) юқорида номи қайд этилган ХМТ Конвенциясидагига (уч ҳафтадан кам бўлмаган) қараганда камроқ қилиб белгиланган.

Иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги халқаро стандартларни бошқа халқаро меҳнат стандартлари билан ўзаро боғлиқликда кўриб чиқишга эътиборни қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг Умумий қисмида (6-модда) меҳнат муносабатларида камситилишнинг таъқиқланиши назарда тутувчи нормалар ифодаланган. Ушбу норманинг қоидалари ўз-ўзидан келиб чиқмаган. Қонун чиқарувчи камситишга йўл қўймаслик тўғрисидаги қоидалар меҳнатнинг барча жабҳаларида қўлланилиши лозим: меҳнат шартномаси тузиш ва бекор қилиш; бошқа ишга ўтказиш ва меҳнат шартларини ўзгартириш; меҳнатга ҳақ тўлаш; кафолатли ва компенсация тўловлар; меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги; меҳнат интизоми; меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар. Албатта, иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида ҳам камситишга йўл қўйилмаслик назарда тутилган.

МКнинг 6-моддасига мувофиқ барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадирлар. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансаблиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, МКнинг 6-моддаси камситишга йўл қўймасликни фақатгина эълон қилмасдан, балки ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини тиклаш ва ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлайди.

Мазкур модданинг учинчи қисмига мувофиқ меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Ушбу қоидалар иш вақти ва дам олиш вақти соҳасидаги муносабатларга ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга, МКнинг 6-моддаси иккинчи қисмида меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож

бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Кўриб чиқиладиган масала иш вақти ва дам олиш вақти соҳасида меҳнатнинг ўзига хос шароитларида ишлаётган ходимлар, шунингдек ногиронлар, вояга етмаганлар, аёлларга кўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бошқа ходимларни камситиш деб ҳисоблаш сифатида қаралмаслиги лозим. Юқорида келтирилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг 111-сонли (1958 йил) “Меҳнат ва бандлик соҳасида камситишга йўл йўймаслик тўғрисида”ги Конвенция талабларига тўлиқ равишда жавоб беради.

## ХУЛОСА

Чекланган иш вақтида ишлаш ва дам олиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ сифатида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган барча шахслар учун тақдим этилади.

Таъқиқот ишида иш вақти ва дам олиш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш, чекланган иш вақтида ишлаш ва дам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқ амалга ошириш соҳасидаги халқаро стандартларни таҳлил этиш асосида қуйидаги тақлиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди:

**1.** Меҳнатни тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар тизимида халқаро шартнома тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан унга қуйидаги таъриф ишлаб чиқилди:

*“Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартнома – бу муайян давлат ва ундан ташқарида меҳнат соҳасида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда ифода қилинган ҳамда ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади”.*

**2.** Иш вақтини ҳисобга олиш бўйича иш берувчининг мажбурияти Меҳнат кодексига тартибга солинган. Бироқ уни ҳисобга олиш механизми ҳақида аниқ қоидалар мавжуд эмас. Амалиётда иш берувчилар томонидан иш вақтини ҳисобга олиш бўйича турли усуллар қўлланилади. Корхона, ташкилот, муассасаларда иш вақтини ҳисобга олишни ягона тартибини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига тегишли нормаларни киритиш талаб этилади. Иш вақтини ҳисобга олиш бўйича юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳам миллий қонунчиликни

халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни эътиборга олиб 1938 йилдаги 63-сонли “Иш ҳақи ва иш вақти статистикаси тўғрисида”ги конвенцияни ратификация қилиш лозим.

3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 119-моддаси билан тўлиқсиз иш вақтини тартибга солиш белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йилдаги 175-сонли “Тўлиқсиз иш вақтида ишлаш тўғрисида”ги конвенцияни ҳам ратификация қилиш талаб этилади. Мазкур конвенциянинг нормаларининг миллий қонунчиликка татбиқ этилиши тўлиқсиз иш вақтида ишлаётган ходимларни меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини камситилишини олдини олиш, уларни меҳнат ҳуқуқ ва кафолатларини сақлаб қолиш имконини беради.
4. 1990 йилдаги 171-сонли “Тунги меҳнат тўғрисида”ги конвенцияда иш вақти билан махсус нормаларнинг мавжудлиги уни Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинишини талаб этади. Чунки, тунги меҳнат бевосита иш вақти билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 122-моддасида тунги меҳнат соат 22<sup>00</sup>дан 6<sup>00</sup> эканлиги, тунги вақтда ишлаганлик учун иш вақтининг қисқартирилиши, тунги вақтдаги иш учун иш ҳақининг оширилиши, тунги меҳнатга ҳомиладор аёллар, вояга етмаганлар, ногиронларни жалб этишга доир алоҳида нормалар белгиланишига қарамасдан мазкур Конвенция ратификация қилинмаган. Биринчидан, ушбу Конвенциянинг ратификация қилиниши ушбу соҳада тартибга солинмаган айрим муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни яхшилаш имконини берса, иккинчидан, миллий меҳнат қонунчилиги нормаларида ушбу халқаро стандартнинг асосий қоидалари татбиқ этиб бўлинганлигини тасдиқлайди.
5. Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 6 майда ХМТнинг 1936 йилги 52-сонли “Ҳақ тўланадиган таътил тўғрисида”ги Конвенцияси ратификация қилиши учун очиқ бўлганлиги учун маъқулланган. Бироқ мазкур конвенция 1970 йилда 132-сон билан қайта кўриб чиқилган. Мазкур номувофиқликни бартараф этиш мақсадида қайта кўриб чиқилган 132-сонли конвенция мамлакатимиз томонидан ратификация қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу конвенция шу ҳақдаги аввалги концепциядан ўзининг бир қатор имтиёзли қоидалари билан ажралиб туради. Хусусан, 132-сонли конвенциянинг ратификация қилиниши давомийлиги уч иш ҳафтасидан иборат бўлган ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилини ходимлар учун белгилаш имконини беради.
6. Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида аграр соҳа муносиб ўрин эгаллайди. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон аграр-индустриал давлат ҳисобланади. Ҳозирда қишлоқ

хўжалигида фермерлик ва деҳқон, ширкат хўжаликлари асосий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Уларда ишловчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашда ХМТнинг 1952 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ҳақ тўланадиган меҳнат таътиллари ҳақида”ги конвенцияни ратификация қилиш муҳим ўрин тутди. Чунки улар меҳнат қилаётган шароит очиқ осмон остида ёки бошқа зарарли омиллар билан боғлиқ бўлиб, ҳақ тўланадиган меҳнат таътилларини олишда мазкур конвенция бир қатор имтиёزلарни беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

#### **I. Раҳбарий адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

4. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
6. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь. №236(6419).
8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий ҳаётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Қишлоқ ҳаёти, 2016 йил 16 январь. №7(8558).

## **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат, 2016.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат, 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 6 май 2014 йил (янги таҳрири).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 3 июль 1992 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун. 6 май 1993 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонун. 1 май 1998 йил.

## **III. Махсус адабиётлар**

1. Буянова М.О., Гусов К.Н. Комментарий к Трудовому кодексу Российской Федерации. –М.: Проспект, 2009.

2. Гребенщиков А.В., Доброхотова Е.Н. Комментарий к Трудовому кодексу Российской Федерации с постатейным приложением материалов.-М.: Проспект, 2011.
3. Завгородний А.В., Коробченко В.В.Трудовое право России.-М.: Юрайт-Издат, 2008.
4. Лютов Н.Л., Морозов П.Е.Международное трудовое право. Учебное пособие.-М.: Проспект, 2011.
5. Кашкин Ю.С.Трудовое право Европейского Союза. Учебное пособие. - М.: Волтерс Клувер, 2009.
6. Смирнова Е.П.Правила регулирования рабочего времени и времени отдыха.-М.: ГроссМедиа, 2008.
7. Черняева Д.В.Трудовые отношения в странах англо-саксонского права. Монография. –М.: Волтерс Клувер, 2010.
8. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А.Рабочее время и время отдыха. –Т.: Укитувчи, 2000.
9. Инсон ҳуқуқлари. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. Масъул муҳ.Ҳ.Б.Бобоев, И.Р.Рамазонов. – Т: Ўзбекистон, 1997.
10. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
11. Киселев И.Я. Сравнительное и международное трудовое право. Учебник для вузов. – М.: Дело, 1999.
12. Киселев И.Я.Трудовое право России.-М.: Норма, 2001.
13. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Тошкент: Молия, 2000.
14. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Тошкент: Молия, 2000; Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Турон иқбол, 2013.
15. Турсунов Й.Трудовое право. Учебник. –Т.: ТГЮИ, 2005.
16. Трудовое и социальное право зарубежных стран: основные институты. Сравнительно-правовое исследование /Под. ред. Э.Б.Френкель. – М.: Юристъ, 2002.

#### **Интернет сайтлари**

1. <http://www.mehnat.uz> (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги)
2. <http://www.suprcourt.uz> (Ўзбекистон Республикаси Олий суди)
3. <http://www.press-servise.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати)
4. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
5. <http://www.parliament.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси)
6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

7. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази)
8. [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)